

Ота-онага вафотидан сўнг яхшилик қилиш (биринчи мақола)



11:00 / 19.11.2020 3034

Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлари улуғ бўлганлигидан у уларнинг вафотларидан кейин ҳам давом этади. Бу ҳақларнинг бизларгача собит этиб келишига ота-оналаридан ажраб қолган саҳобаи киромларнинг саволлари сабаб бўлган.

Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлари тўғрисида юқорида ўрганиб ўтилган диний таълимотлар ҳар бир виждони бор фарзандга қаттиқ таъсир қилиши муқаррар. Хусусан, фарзанд катта бўлиб, билими ва тажрибаси юқори савияга етганидан сўнг ота-онага яхшилик қилишга астойдил киришади. Аммо, бу ҳақиқат юзага чиқиб, фарзанд ихлос билан ота-онасига яхшилик қилишни ўрнига қўйиб, ўзидан хурсанд бўлиб турганида ота-она вафот қилиб қолади. Сўнгра фарзанднинг афсус-надомати бошланади. Шундай ҳолатга тушган баъзи саҳобийлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ота-онага вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиш мумкинми ёки йўқми экани тўғрисида саволлар берганлар.

لُجْرَ لَاقِفَ مَلَسَوْهُ لَعْلُهُ لَلِصَّيْبِ نَلَا دُنْعُ أَنْكَ : لَاقِ دَيْسُ أَبَا نَع
لَاقِ؟ أُمُّ رَبِّ أُمُوتَ وَمَ دَعَبُ عَيْشِ وَيُوبَأُ رَبُّ نَمَ يَقَبُ لَهْ، لَلِوَسْرِ أَي
مَازَكِ إِي، أُمُودَعُ ذَافُنِ إِي، أُمُودَعُ رَافَعُ تَسْأَلِ إِي، أُمُودَعُ دَلِ إِي؛ غَبْرُ لَاصِخِ، مَعَنَ

يُرَاحُ بُلَاهُ أَوْرَ . أَمْوَلِ بَقْ نَمِ الْإِلَ كَلِّ مَحْرَ الْيَتِّ لَ مَحْرَ لَ أَلْ صَو ، أَمْوَقِي دَص
بَدَّالِ يَف

Абу Усайддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бир одам:

«Ё Расулаллоҳ! Мен учун ота-онамга улар дунёдан ўтганларидан кейин қиладиган яхшилик қолдимми?» - деб сўради.

У зот: «Ҳа! Тўрт хислат қолди: уларга дуо қилиш; Улар учун мағфират сўраш; Уларнинг аҳдига вафо қилиш; Уларнинг дўстларини ва сенга уларсиз силаи раҳм бўлмайдиган кишиларни икром қилиш», - дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Аслида, вафот этган одамнинг бу дунёда қилган амаллари асосида охиратдаги мақоми белгиланади. Унинг заррача яхшилиги ёки ёмонлиги бўлса ҳам, ҳисобга олинади. Аммо, Аллоҳ таоло уммати Муҳаммад алайҳиссаломга раҳм кўрсатиб, уларга ўлимларидан кейин ҳам ортларидан савоб етишига ва уларнинг охиратдаги мақому даражаларининг ортиб боришига йўл очиб қўйган.

Фарзанд ота-онаси тириклигида уларнинг хизматини қилиб, розилигини олиб, яхшиликлар қилиб ўтишга тарғиб қилинади. Лекин ота-она вафот этганидан кейин ҳам, ушбу ҳадисда келган таълимотга биноан, уларга тўрт хил яхшилик қилса бўлар экан.

1. Дуо қилиш.

Ота-оналарнинг ҳаққига Аллоҳ таолодан яхшиликлар – жаннат, хайр-баракалар сўраб, дуо қилиш фарзанднинг ота-онасига уларнинг вафотларидан кейин қиладиган яхшиликларидандир. Бу дуолар ота-онага бориб, уларнинг яхши амалларига қўшилиб туради. Худди уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

أَلْ أَقَوْ هُوَ دَعْبُ هَدَلْ وَءَاغِدْبُ عَفْرِي لَلْ جَرَلِ نَا ؛ لَوْ قِي بِي سُمْ لَ نَبِ دِي عَسَ نَع
أَمْوَعَفَرَف ، أَدَكَ هُوَ دِي دَب

Саъийд ибн Мусайябдан ривоят қилинади:

«У киши: «Албатта, киши ўзидан кейин боласининг қилган дуоси ила кўтарилади», - деди ва: «Мана бундай», - деб, икки қўлини кўтарди».

Саъийд ибн Мусайяб: «Бир одам ўлиб кетганидан кейин орқасидан фарзандининг қилган дуоси туфайли мартабаси мана бундай бўлиб кўтарилади», деб, икки қўлларини кўтариб кўрсатган эканлар. Яъни, бу ривоят вафотларидан кейин ҳам ота-онага фарзанднинг қиладиган яхшилиги уларнинг ҳақларига дуо қилиши билан бўлишига мисолдир.

Фарзанд ота-онасига, уларнинг вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилай, деган умидда бўлса, уларнинг ҳаққига дуо қилиб, мағфират сўраса, ана ўша иши яхшилик ҳисобланар экан. Фарзандларининг дуоси туфайли ота-оналарнинг охираатдаги даражалари юқори мақомда бўлар экан.

(Давоми бор)

«Бахтиёр оила» китобидан